

ЎСМИР ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ВА ТАЛАБА-ЁШЛАРДА МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МАНБАЛАР

Рохатой Гайбуллаевна САФАРОВА
Педагогика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон педагогика фанлари
илмий тадқиқот институти
Тошкент, Ўзбекистон
safarova_roxat@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўсмир ёшдаги ўқувчилар ва талаба-ёшларда маданий дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қиладиган манбалар ҳақида фикр юритилган бўлиб, бу манбалар халқнинг маданий илдизлари билан боғлиқлиги, ўзида тарихий тажрибаларни мужассамлаштирганлиги, бугунги ёшлар маънавияти ва маданиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши, уларда гўзаллик, садоқат, инсонийликнинг тараннум этилганлиги, ўқувчи ва талаба ёшлар онгидаги бўшлиқни тўлдиришда миллий маданий қадриятлар билан дунё халқлари маданиятининг илғор намуналарини интеграциялаш баён этилган.

Таянч сўзлар: маданий дунёқараш, интеграция, қадриятлар, бахшичилик, мақом, ҳадислар, асотирлар, зардуштийлик, позитив нуқтаи назар, оила, толерантлик, тил мустақиллиги.

ИСТОЧНИКИ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ РАЗВИТИЮ КУЛЬТУРНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ ПОДРОСТКОВ И СТУДЕНТОВ

Рохатой Гайбуллаевна САФАРОВА
Доктор педагогических наук, профессор
Узбекский научно-исследовательский институт
педагогических наук
Ташкент, Узбекистан
safarova_roxat@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассматриваются источники, способствующие развитию культурного мировоззрения подростков и студентов, которые связаны с культурными корнями народа, воплощают исторический опыт, играют важную роль в развитии духовности и культуры современной молодежи, олицетворяют красоту, преданность и гуманизм, предусматривают интеграцию передовых моделей культуры народов мира с национально-культурными ценностями для восполнения пробела в разуме студентов и молодежи.

Ключевые слова: культурное мировоззрение, интеграция, ценности, искусство бахши, маком, хадисы, мифы, зороастризм, позитивное мышление, семья, толерантность, языковая независимость.

Ҳар бир халқ, миллат ўзининг асрлар давомида тўплаган маданий-маърифий бойликларига эга. Бу бойликлар даврлар ўтиши билан сайқалланиб, такомиллашиб боради. Мазкур такомиллашув жаҳон халқларининг илғор маданияти намуналарини саралаган ҳолда миллий маданий бойликлар билан уйғунлаштириш натижасида амалга ошади. Бундай жараён барча даврларга хосдир. Чунки миллатлараро муносабатлар, ўзаро ахборот алмашинуви, савдотик, санъат, адабиёт орқали халқлар бир-бирларининг маданий дунёқарашларига у ёки бу даражада таъсир кўрсатадилар. Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, турли даврларда маданиятни тарғиб қилиш воситасида иқтисодий-сиёсий манфаатлар қондирилган. Бир халқни ёки миллатни ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий жиҳатдан тобеъ қилиш учун унинг тили ва маданий дунёқарашига таъсир кўрсатиш тажрибаси кўп асрлар давомида қўлланилмоқда.

Маълумки, инсониятнинг илк маданий қарашлари дастлаб асотирлар ва афсоналарда, қоятошларга битилган суратларда ўз ифодасини топган. Бундай воситалар турли халқларнинг маданий дунёқарашининг ифодаси сифатида кенг ёйилган ва қабилалар, элатлар орасидаги маданий алоқаларни вужудга келтирган. Позитив характердаги маданий қарашлар билан бир қаторда салбий, инсонни камситувчи, гегемонликни тарғиб қилувчи маданий қарашлар ҳам аста-секин ёйила бошлаган. Айрим халқлар ва миллатлар маданий қарашларини санъат ва хунармандчилик намуналари орқали ўз мафкураларини кенг ёйиб буюк миллат, буюк халқ ҳақидаги даъволарини илгари сурган бўлсалар, позитив дунёқарашга эга бўлган элатлар, эзгулик, ватанпарварлик, фидоийлик, инсонийликни тарғиб қилганлар. Жумладан, яккахудолик, яъни зардуштийлик, ислом динига хос маданий қарашлар,

тасаввуф ва унинг таркибий қисми бўлган накшбандийлик тариқати, маърифатпарварлик маданияти кабилар шулар жумласидандир.

Бугунги кунга келиб, оммавий маданият тарғиботчилари ўз мақсадларига эришиш учун мода, санъат, адабиёт билан бир қаторда она тили мустақиллигига раҳна солиш, диний ақидаларни нотўғри талқин этиш, оила ва никоҳ масалаларини сийқалаштириш, миллий урф-одатлар, анъаналар, либосларни қоқоқликка йўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Буларнинг барчаси ёш авлод маданий дунёқарашининг нотўғри шаклланишига асос бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ёш авлодда, айниқса ўсмир ёшидаги ўқувчиларда соғлом маданий дунёқарашни шакллантириш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Чунки шахснинг дунёқарashi, унинг нуқтаи назарлари ҳаётини позициясини белгилайди. Нуқтаи назарлар эса инсонда, шу жумладан, ёшларда хулқ-атвор хатти-ҳаракатларини шакллантиради. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори [1] билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси”да алоҳида эътироф этилган.

Биз таълим-тарбия жараёнида узоқ даврлар мобайнида ўқувчиларнинг гендер хусусиятларига эътибор қаратмадик. Бунинг натижасида ўғил болаларда журъатсизлик, қийинчиликлардан чўчиш, яшаш учун осон йўлни танлаш, мешчанлик, ота-онага боғланиб қолиш, уларнинг кўмагидан умидвор бўлиб яшаш, худбинлик сифатлари шаклланган бўлса, қизларда шаддодлик, бетгачопарлик, молпарастлик, урф-одатларимизга беписандлик, уй-рўзғор ишларига уқувсизлик, енгил ҳаёт кечириш йўлларини излаш, ҳашаматга берилишга мойиллик каби хулқ-атвор стереотиплари шаклланди. Натижада бундай ёшлар мустақил ҳаётга қадам қўйгач, турмушнинг илк қийинчиликлари олдида эсанкираб қолмоқдалар. Аксарият қизларда муомала-мулоқот маданияти кўникмалари, бурч ва масъулият ҳисси етарлича шаклланмаганлиги кундалик турмушда қайнона-келин ва атрофдагилар

орасидаги муносабатларда яққол намоён бўлмоқда. Мулоқот маданияти кўникмаларининг етарлича шаклланмаганлиги туфайли кизларда ифбат, назокат, ширинсўзлик, хуштавозелик, меҳмондўстлик, атрофдагиларга илтифот билан муносабатда бўлиш каби сифатлар шаклланмасдан қолиб кетмоқда.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, биз ўқувчиларда коммуникатив ҳамда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш жараёнида ҳам гендер хусусиятларни ҳисобга олишимиз, тарбиявий тадбирларнинг мазмунини танлашда ўғил ва киз болаларнинг ҳар бирига хос бўлган сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ёшлар онгига асл маданият намуналаридан кўра оммавий маданиятни тарғиб қилувчи воситаларнинг тез ва осон ўрнашиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг асосий сабаби мазкур воситаларнинг шаклан жозибадорлиги, ўзлаштириш учун осонлиги, ҳаммабоплиги ва ёшлар рухиятига яқинлигидадир. Масалан, биз ёшлар орасида кенг ёйилган “Севишганлар куни” яъни “Валентин куни”нинг асл моҳияти ҳаёсизлик, шаҳватпарастликни тарғиб қилишини қанчалик зўр бериб фарзандларимизга тушунтирмайлик, улар гоҳ яширин, гоҳ ошқора тарзда бу кунни турли шаклларда нишонламоқдалар. Бундан кўриниб турибдики, қаерда бўшлиқ бўлса, ёт ғоялар ўша ерга суқилиб киради ва ёшлар онгини забт этиб, уларнинг дунёқарашига айланади. Хулқ-атвори, юриш-туриши, атрофдагиларга муносабатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади, ижтимоий оилавий муносабатларга раҳна солади.

Педагогик жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалардан бири бундай салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи маданий бўшлиқларни аниқлаб, уни бартараф этишнинг таъсирчан йўлларини кўрсатиб беришдан иборат. Чунончи, халқимиз ҳаётида ўзининг ҳаёси, ибоси, садоқати, бардоши билан асрлар давомида миллатимиз ёшларига ибрат бўлиб келган муҳаббат афсоналари борки, улар кўп асрлар давомида ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган. Бундай афсонавий қаҳрамонлар “Алпомиш ва

Барчиной”, “Дилором ва Баҳром”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Лайли ва Мажнун”, “Равшан ва Зулхумор”... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Ёшлар улардан етарлича хабардор бўлмаганликлари туфайли Ғарбдан кириб келган “Севишганлар куни”ни нишонлаб келмоқдалар.

Инсон психологиясидан маълумки, нимаики таъқиқланса, ўша нарсанинг қизиқарли, сирли, жозибадор бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Қолаверса, севиш, севилиш, уни изҳор қилишга имконият излаш ҳар бир ўсмир ва ёш табиатига хос ҳолатдир. Ёш авлоднинг рухий баркамоллигини таъминловчи омиллардан бири табиат қонунларини инкор этмасдан туриб, уларни эзгулик сари руҳлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам маданий илдизларимиздан ажралмаган ҳолда ёшлар учун юксак садоқат, бардош ва ифбат рамзи, тўғрироғи тарғиботи сифатида “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” ёки “Баҳром ва Дилором” номи билан боғлиқ ҳолда севишганлар кунини қабул қилиш бу соҳадаги маданий-маърифий бўшлиқни тўлдириш имконини берар эди.

Биз ёшларни ижтимоийлаштириш ҳақида жуда кўп гапирамиз. Бироқ бу соҳадаги илмий педагогик ва амалий ҳаракатларимиз етарли эмас. Бунда икки ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин:

1.Амалга оширилаётган ишларнинг қамрови жуда торлиги ва миллий маданий илдизларимиздан узилиб қолганлиги.

2.Мазкур йўналишда амалга оширилаётган изланишларнинг қоғозлардагина муҳрланиб қолаётганлиги билан изоҳланади.

Биз бугун ўқувчи ва талаба-ёшларнинг маданий дунёқарашини ривожлантириш асосида уларда “оммавий маданият”нинг салбий кўринишларига қарши курашчанликни шакллантириш ҳақида фикр юритар эканмиз, таълим олувчиларда биринчи навбатда миллий маданий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик манбалар, воситаларни бугунги кун талаблари, ўсмир ёшдаги ўқувчилар руҳияти, маданий-маънавий эҳтиёжлари, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда саралаб тақдим этишга эришишимиз зарур. Шахснинг маданий дунёқарашини

жамият ва давлат талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришда миллий маданият намуналари, қарашлар билан дунёдаги илғор халқларнинг умуминсоний характер касб этадиган маданий бойликларини интеграциялаштирган ҳолда ёшларга тақдим этиш мақсадга мувофиқ. Чунки шахсда маданий дунёқарашни ривожлантирувчи манбалар сирасига асотирлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тошбитиклар, ёзув намуналари, узоқ даврлар мобайнида етиб келган маданий-диний қарашлар киради.

Қадриятлар ва таълим-тарбияга оид қарашлар Қуръони Карим, Хадиси Шарифларда илгари сурилган эзгу фикрлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тасаввуф таълимоти, ёзма адабиёт ва ёзув намуналарида асрлар давомида шаклланиб, такомиллашган соғлом турмуш тарзи меъёрлари, ўзбек халқининг кундалик ҳаёти билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар, санъат намуналари, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, миллий ғоя асослари, Ўзбекистон жамиятида қарор топган ҳуқуқий-ахлоқий меъёрлар, илм-фан ютуқлари, санъат ва адабиёт асарларидан иборат.

Ўқувчи ҳамда талаба-ёшлар маданий дунёқарашининг асоси ўзликни англаш принципи асосида қурилиши лозим. Бунда ўқувчи-ёшлар шариат ва тариқат талабларидан ҳам хабардор бўлишлари тақозо қилинади. Шундагина улар ақидапарастларнинг ғоявий ҳужумларига қарши туриб, маърифат ва ҳақиқат сирларини эгаллаш сари собитқадамлик билан интилиш имкониятига эга бўладилар. Таълим олувчиларда соғлом маданий дунёқарашни шакллантиришда дарс билан бир қаторда дарсдан ташқари тадбирлар, синф соатлари, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, музейларга саёҳатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек халқининг бугунги кундаги қаҳрамонона меҳнати, жипслиги, бир-бирига ўз вақтида ҳамдард ва мадад бўла олиши, вужудга келаётган эпидемиологик, техноген ва табиий офатларнинг оқибатларини енгишда мададкор бўла олиши халқимизга хос хусусият бўлиб, бундай фазилатлар авлоддан авлодга ўтиши лозим. Мазкур сифатлар фидоийлик, фуқаролик,

ватанпарварлик, инсоний ҳамдардлик, дахлдорлик, толерантлик маданиятининг шаклланишига асос бўлади.

Шахсда маданий дунёқарашнинг шаклланишида педагоглар, мумтоз мақом санъати ва замонавий кўшиқчилик намоёндалари билан бир қаторда бахшичилик санъати намоёндалари ҳам барча ёшдаги таълим олувчилар орасида мардлик, жасорат, соф муҳаббат, садоқат, матонат, ҳақгўйлик, бағрикенгликни тараннум ва тарғиб этувчилар сифатида намоён бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам республикамизда бахшичилик санъатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди [2]. Мақом санъати эса ёшларни тарбиялашда муҳим ўрин тутганлиги учун ҳам унинг тарбиявий имкониятларини рўёбга чиқариш зарурияти кучайганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сонли “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ўз ифодасини топди [3].

Ҳадис инсоннинг одоб-ахлоқини ривожлантириш кодекси сифатида узоқ асрлар мобайнида жамиятнинг ҳуқуқий меъёрий асосларини ўзида мужассамлаштирган. Бугунги кунда ҳадисларнинг таълим-тарбиявий имкониятларидан кенг фойдаланиш учун шароит вужудга келди. Худди шу заруриятни қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [4] қабул қилинди.

Мақом ва бахшичиликнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур санъатнинг тарбиявий имкониятларини очишга алоҳида эътибор қаратилиб, мунтазам фестиваллар ташкил этиш йўлга қўйилди. Мақом, бахшичилик, “Шарқ тароналари”, “Лазги” каби фестиваллар ёш авлодни эзгулик, толерантлик, нафосатга ошуфталик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда маданиятлар интеграциясини жадаллаштириб, ўқувчи ҳамда талаба ёшларнинг маданий дунёқарашини бойитиш, халқимизнинг бой маданий мероси билан

фахрланиш, ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлайди. Ёшлар онгидаги маданий бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади. Турли халқлар ва миллатлар орасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлайди. Ўзбек халқининг бой маданий мероси ҳақида жаҳон халқларида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Натижада ёш авлодда миллий маданий илдиэларимизни чуқур билиш, ўрганиш эҳтиёжини вужудга келтириб, ундан фахрланиш туйғусини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрь ПҚ-4038-сон қарори. Lex.uz
2. Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 май ПҚ-4320-сон қарори. Lex.uz
3. Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрь ПҚ-3391-сонли қарори. Lex.uz
4. Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрь 896-сон Қарори. Lex.uz